Кўп миллатли Ватанимизнинг барча халқлари қатори Ўзбекистон ССРнинг икки навқирон, мусобақадош Тошкент ва Жиззах областлари меҳнаткашлари ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар. «Тошкент ҳақиқати» ва «Жиззах ҳақиқати» газеталарининг бугунги қўшма сони бу шонли юбилейга, ҳар икки областнинг халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда эришаётган муваффақиятлари, халқларнинг ленинча қардошларча дўстлиги тантанасига бағишланади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 123 (7864). ● 30 июнь, 1982 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

ЖИЗЗАХ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 30 июнь, 1982 йил, № 78 (1267). ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ҲАМИША ҲАМКОРМИЗ, МАДАДКОРМИЗ

СССРнинг 60 йиллиги халқимиз ҳаётидаги шонли, унутилмас воқеадир. Барча совет кишилари қатори Тошкент область меҳнаткашлари ҳам шонли юбилейни сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда нишонлашга интилмоқдалар.

Ҳозир шаҳар ва қишлоқларимизда юзлаб яқин миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек қўлни қўлга бериб аҳил яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда улар бир ёқадан бош чиқариб актив ҳаракат қилмоқдалар.

Тошкент области Ўзбекистон социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, 1981 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларини муваффақиятли бажарганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва БЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сурункасига тўққизинчи марта сазовор бўлди. Ишлаб чиқаришда юксак самарадорлик ва маҳсулот сифатини ошириш учун барча резервлар ва имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланаётган қаҳрамон ишчилар синфи, ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам мўл ҳосил олиш ва йиғим-теримни барвақт тугаллаш имконини берувчи Тошкент технологиясининг ижодкорлари бўлмиш азамат пахтакорлар, паллакорлар, чорвадорлар, сабзавотчилар эндиликда юбилейолди социалистик мусобақаси байроғини тобора баландроқ кўтармоқдалар.

Ҳозирги кунда Тошкент области корхоналари республика саноат маҳсулотининг 42 процентидан кўпроғини ишлаб чиқаряпти. Фақат ўн биринчи беш йиллиги ниг биринчи йилида қўшимча реализация қилинган саноат маҳсулоти 107 миллион сўмликни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажми 5,3 процент ошди. Ҳозир маҳсулотларнинг бир мингдан кўпроқ тури давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Саноатчилар юбилей йилида ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар қабул қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Улар йиллик топшириқни 24 декабргача ado этиш, ўтган йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришини беш процент ўстириш, яна 400 хил буюмни давлат Сифат белгиси олиш учун аттестациядан ўтказиб ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида шундай буюмларни 26 процентга етказиш учун курашишмоқда. Бу вазифаларни бажариш йилида ўтган ойларда дадил қадамлар қўйилди. Маҳсулотнинг кўпгина муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича белгиланган топшириқлар ортиғи билан бажарилди.

Тошкент белгиси қўйилган пахта териш машиналари, экскаваторлар, компрессорлар, кўтарма кранлар ва бошқа қудратли механизмлар областимиз шуҳратини жаҳон бўйлаб оширмоқда. Жиззах даштлари ва РСФСРнинг ноқоратупроқ зоналарини ўзлаштиришда, янги каналлар ва кўприклар қуришда, деҳқонларнинг оғирини енгил қилишда ҳам улар хизмати беҳаҳо бўлаяпти.

Кейинги йилларда областимиз саноати яна ҳам ривожланди. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида электр билан пўлат эритиш цехи, В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатида янги қувватлар, Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида капролактам ишлаб чиқариш комплекси

А. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари.

●

ва янги нурҳоналар қад кўтарди. Янги қувватларни ишга туширишда биз Москва, Ленинград шаҳарлари, қардош республикаларнинг амалий ёрдамини сезиб турибмиз. Улар кўмагида шаҳарларимиз хуш-жамоли ҳам йил сайин очилиб бораяпти. Буни биз пойтахтимиз Тошкент мисолида айниқса аққол кўришимиз мумкин. Янги бунёд этилган В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги Саройи, метрополитеннинг янги-янги станциялари шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Яқинда В. И. Ленин номли СССР халқлар дўстлиги саройи ёнида яна бир обида — дўстлик монументи тантанали суратда очилди. У меҳнат аҳли учун қардошлигининг, совет жамияти мустаҳкам бирлиги ва метиндек жипслигининг ажойиб тимсоли бўлди. Кино уйи, «Москва» меҳмонхонаси, телевизион минора каби янги иншоотлар ҳам бугунги Тошкентнинг ўзига хос йирик қурилишларидандир. Бу объектларнинг барчаси қардош қурувчиларнинг ҳамкорлиги, ёрдамлари туфайли қад кўтарди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга учинчи Ленин ордени топширишига бағишлаб ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Вайроналардан қайта тикланган, юксак даражада ривожланган индустрия ва катта фан шаҳри, улкан маданият марказларидан бири, ёзувчилар ва кинематографчиларнинг энг катта жаҳон анжуманлари ўтказиладиган жой бўлмиш Тошкент СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг инсон қўли билан бунёд этилган рамзи бўлиб, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари турқумида Шарқ юлдузи каби порлаб турибди». Дарҳақиқат иттифоқ ва жаҳон миқёсидаги катта анжуманлар жонажон шаҳримизда ўтказилаётганлиги қалбларимизни ифтихор туйғуларига тўлдиради.

Тошкент шаҳри ва области экономикаси ҳамда маданиятини ривожлантиришда республика партия ва ҳукумати, шахсан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг доимий ғамхўрлиги, амалий ёрдамларини чуқур миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шу ғамхўрлик туфайли халқ хўжалигининг барча тармоқлари, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жадал суръатлар билан юксалмоқда. Ўтган йили областнинг бутун тарихида энг мўл «оқ олтин» хирмони яратилди. Давлатга 489 минг тонна Тошкент пахтаси сотилди. Ҳосилнинг 86 проценти машиналар ёрдамида терилиб олинди. «Оқ олтин» усталари пахта етиштириш ва йиғиб-териболишда Тошкент технологиясининг афзалликларини яна бир бор исботладилар.

Ҳозир далаларда юбилей йили мўл ҳосили учун қизғин кураш кетмоқда. Кўпгина бригадалар СССРнинг 60 йиллигига 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили учун мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар. Уларнинг бу ташаббуси область партия комитети томонидан қизғин маъқулланди.

Тошкент области меҳнаткашлари кўп йиллардан бери Болгария халқ республикасининг Хасково округи, РСФСРнинг Иваново ва республикамизнинг Жиззах областлари меҳнаткашлари билан узаро ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, фан ва маданиятни ривожлантиришда тўпланган тажрибаларни ўртада бахам кўриш, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилиш ажойиб анъанага айланиб қолди. Ҳозир областимиздаги 43 та корхона ва ташкилот совет—болгар дўстлиги жамиятининг коллектив аъзосидир. Кўплаб тошкентликлар РСФСРнинг ноқоратупроқ ерларини, Жиззахнинг поёнсиз чўлларини ўзлаштиришда актив иштирок этмоқдалар. Шундай ҳамкорлик давомида кишиларнинг бир-бирига бўлган меҳри янада тобланмоқда, дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда.

СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш йўлида меҳнаткашларнинг сафарбарлиги кучаймоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида олға сурилган вазифалар чўқуварлар учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Партиямизнинг Озиқ-овқат программасини ҳал этиш бўйича ўн биринчи беш йилликка ва 90-йилгача белгилаб берган улуғвор вазифалари халқимизнинг ҳаётий манфаатларига жуда ҳам мос бўлиб тушади. Бу программа қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни юксалтиришда тўб бурилиш ясабгина қолмай, у ўзининг характери, миқёси жиҳатидан бутун халқ хўжалигининг тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

ҲОЗИР барча жойларда бўлгани сингари областимизда ҳам Озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан қизғин мусобақа бошланиб кетди. Бу мусобақа СССР ташкил топган кунининг 60 йиллиги шарафига қилинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига хизмат қилмоқда.

Беш йилликнинг иккинчи йилида областимиз меҳнаткашлари юксак марраларни кўзлаганлар. Она-Ватанга камида 370 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, 317 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш, 324 миллион сўмлик саноат маҳсулотларини реализация қилиш, янги ерлар очиш, область меҳнат аҳлининг шиорига айланган. Бу марраларни эгаллаш учун бошланган умумхалқ мусобақасида 120 мингдан зиёдроқ киши иштирок этаяпти. Улар орасида 20 минг коммунистик меҳнат зарбдори, 907 коммунистик меҳнат коллективи бор.

1974 йил ёзида Жиззах чўлини ўзлаштириш ҳаракати бошланган эди. Ўтган қисқа вақт ичида дашт бағрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кечагина яйдоқ ётган далаларда эндиликда кўплаб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу яратувчилик ишларининг барчаси «Джизаксстепстрой» территориал бошқармаси коллективи кучи билан бажарилмоқда. Яқинда 2-Жиззах насос станциясининг биринчи навбати ишга туширилди. Эндиликда Сирдарё суви иккинчи босқичда даштнинг дарё сатҳидан 46 метр баландликдаги ерларига оқа бошлади.

Даштнинг қурилиш индустрияси жадал ривожланмоқда. Эндиликда Жиззах насос станцияларининг трубопроводлари қурилиш кетаётган жойнинг ўзида тайёрланмоқда. Ўн йиллар давомида Мирзачўл ерларини ўзлаштирувчилар учун қурилиш материаллари етказиб турган 1-Жиззах бинокорлик материаллари комбинати сафига янги уйсозлик комбинати, керамзит-бетон заводи қўшилди. Беш йилликда биргина Жиззах шаҳридаги саноат корхоналари сони 27 тага етиб, 300 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади.

«Бустонводстрой» трестига қарашли 23-механизациялашган кўчма колонна бригадаси бошлиғи Рискул Мўлдоновнинг бир беш йилликда янки беш йиллик планини бажариш юзасидан бошлаб берган ташаббуси ҳозир барча участкаларда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш новаторларининг сафини кенгайтириш, уларнинг бой тажрибасини оммалаштириш устида алоҳида қайғурмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга учинчи Ленин ордени топширилишига бағишлаб ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида эндиликда кўпроқ юқори сифатли пахта тайёрлаш тўғрисида ўйлаш зарурлиги уқтирилган эди. Областимиз деҳқонлари бу вазифани жанговар программа сифатида қабул қилдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исломжон Абдуллаев, СССР Олий Советининг депутати Рўёб Маматова, Турғун Аҳмедов, Абдуғани Сулаймонов каби донгдор пахтакорларимиз бу йил фақат юқори сифатли «оқ олтин» ҳосили етиштириш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Бу қимматли ташаббус область партия комитети томонидан қизғин маъқулланди ва жойларда кенг пропаганда қилинмоқда. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳолбуви Рустамова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умри Орифжонова сингари 60 центнерчи донгдор пахтакорлар бу соҳада йўлчи юлдуз бўлмоқдалар.

С. НИШОНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг секретари.

●

Беш йилликнинг иккинчи йили қишлоқ хўжалиги ходимлари учун анча мураккаб келди. Пахтакор ва чорвадорларимиз ноқулай об-ҳаво шароитини мардонавор енгиб, бутун куч ва имкониятларини зиммага олинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис бажаришга қаратмоқдалар. Қишлоқ партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг куч-ғайратини КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошириш, ўртоқ Л. И. Брежнев докладида қўйилган вазифаларни тўла бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Областимиз пахтачилик билан бирга чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам жуда бой имкониятларга эга. Шу йил бошида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов иштирокида ўтказилган илғор чорвадорларнинг область қурултойида бу соҳанинг беш йилликдаги истиқболи аниқ белгилаб олинган эди. Тадбирларимизга кўра 1985 йилга бориб гўшт ва сут етиштириш 2 баробар, тухум олиш эса 2,3 баробар кўпаяди. 1981 йилнинг шу даврига нисбатан гўшт ишлаб чиқариш 11, сут 9, тухум 10 процентга кўпайди.

Халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча тармоқларида қўлга киритилаётган зафарларимиз, турмушимизнинг кундан-кунга гуллаб яшнаётганлиги даставвал партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги, ленинча дўстлик ва биродарлик, қонқардошликнинг самарасидир. Халқимизда қуш қаноти билан, инсон дўсти билан кучли, деган мақол бор. Халқларимизнинг бузилмас дўстлиги совет турмуш тарзининг асосини белгилайди. Бу дўстлик бизнинг бебаҳо мулкимизга айланди. Ўртоқ Л. И. Брежнев, айтганидек, бу дўстлик социализмнинг ҳар бир совет кишиси учун жуда азиз бўлган энг катта ва энг қимматли ғалабаларидан биридир.

Қўриқ областимизда 94 миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Жиззах дашти беполён мамлакатимиздаги барча халқларнинг қудратли дўстлиги, ҳамжиҳатлиги билан коммунистик бойликлар ўлкасига айланмоқда.

Қўриқ ўлка халқи айниқса, Тошкент области ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари ёрдамидан беҳад миннатдордир. Ҳар иккала область ўртасидаги социалистик мусобақа ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, бой тажрибаларни ўртоқлашишга яқиндан ёрдам бераётир. Биргина Тошкент технологиясини олиб кўрайлик. Ҳаётга кенг йўлланма олган бу усул пахтакор ва механизаторларимизнинг оғирини енгил қилаётир.

Интернационал дўстлик ва ягона оила туйғуси билан яшаётган қўриқ ўлка меҳнаткашлари Жиззах даштини мўл-кўлчилик воҳасига айлантирмоқдалар. Ўз қўллари билан бири-биридан жозибали шаҳар ва қишлоқларни, боғ ва хиёбонларни барпо этяптилар.

ҚЎРИҚ ўлка коммунистлари, барча меҳнаткашлари юбилей йили план ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бундан буён ҳам куч-ғайратларини аямай сарфлайверадилар. Халқ хўжалиги ва маданий қурилишда, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда қўлга киритаётган ютуқларимиз шонли тўйга муносиб тўёна бўлади.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

● **Саноатда йиллик план 24 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.**

● **440 минг тонна пахта тайёрланади. Ҳосилдорлик 33 центнерга етказилади. Ялпи ҳосилнинг 85 процента машиналарда терилади.**

● **Давлатга 85 минг тонна дон, 500 минг тонна сабзавот, 105 минг тонна картошка, 52 минг тонна қовун-тарвуз, 152 минг тонна мева ва узум, 320 минг тонна каноп пояси сотилади.**

● **46 минг тонна гўшт, 155 минг тонна сут, 330 миллион дона тухум тайёрланади.**

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

● **Область саноат корхоналари коллективлари бу йил 324 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишади.**

● **370 минг тонна «оқ олтин» етиштирилади.**

● **Давлатга 117 минг тонна дон, 11 минг тонна мева, 35 минг тонна узум, 134 минг тонна қовун-тарвуз, 60 минг тонна сабзавот, 5 минг тонна картошка сотилади.**

● **Эл дастурхонига 24 минг тонна гўшт, 36 минг тонна сут, 47 миллион дона тухум тортиқ қилинади.**

ТОШКЕНТ



◆ ДЎСТЛИК, тинчлик, қардошлик шаҳри Тошкент йилдан-йилга гўзал ва обод бўлиб бормоқда. Шаҳарда янги осмонўпар бинолар, квартал ва проспектлар, ер ости қасри—метрополитен барпо этилди ва этиляпти. СУРАТЛАРДА: [чапда] «Москва» меҳмонхонаси; Халқлар дўстлиги майдонида ўрнатилган монумент. А. Абаян фотолари.

ЖИЗЗАХ

◆ ЖИЗЗАХ шаҳрининг энг гўзал, асосий майдони Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин номи билан аталган. Бу майдон чўлқуварлар жасоратлари ва меҳнат ғалабаларига бағишланган шодиёналарнинг гувоҳидир. Суратда: В. И. Ленин майдонидаги маъмурий бинолар.

Ҳ. Тожиев фотоси.

АСРИЙ ҚОЛОҚЛИККА МАҲКУМ ЭТИЛГАН СОБИҚ МИЛЛИЙ ЧЕККА ЎЛКАЛАРНИНГ ХАЛҚЛАРИ МАМЛАКАТ БАРЧА МИЛЛАТЛАРИГА МАНСУБ МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН ЯГОНА САФДА КАПИТАЛИЗМНИ ЧЕТЛАБ ЎТИБ, СОЦИАЛИСТИК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ОДИМ ТАШЛАГАНЛИКЛАРИ ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ЧЎҚҚИЛАРИГА ЭРИШГАНЛИКЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНИШГА ҲАҚЛИМИЗ.

(КПСС Марказий Комитетининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисидаги қароридан).

ҲАМЖИҲАТМИЗ, ДИЛЛАР ПАЙВАСТА,

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

БИРОДАРЛИК РАМЗИ

СОВЕТЛАР Ватанимизнинг гербига Ўроқ ва Болга тасвири туширилганлиги бежиз эмас. Ишчи ва деҳқонлар иттифоқи туфайли Коммунистик партия раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революцияси галаба қозонди. Ўроқ ва Болга иттифоқи совет воқелигимизнинг, социалистик турмуш тарзимизнинг муҳим хусусиятига айланди.

Шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдами бу иттифоқнинг энг ёрқин кўринишидир. Тошкент шаҳри корхона, ташкилот ва муассасалари коллективлари кўп йиллардан бери Жиззах области қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан кўмаклашиб келяптилар. Шу ҳақда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. ХАЛИЛОВ билан суҳбатлашдик.

— Ботир Ғуломович, тошкентликларнинг Жиззах области колхоз ва совхозларига кўрсатаётган оталиқ ёрдамларининг асосий йўналишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Йилдан-йилга оталиқ ёрдам кўлами ҳам, ҳажми ҳам кенгайиб ва ортиб боряпти. Пойтахт корхоналари, ташкилот ва муассасалари коллективлари Жиззах области қишлоқ меҳнаткашларига янги ерларни ўзлаштириш, техника воситаларини ремонт қилиш, мутахассислар малакасини ошириш ва механизатор кадрлар тайёрлаш, колхозлар ва совхозларни ободонлаштиришда мададкор бўлмоқдалар. Тошкентликлар энг масъулиятли наллаларда — галла ўрими ва пахта терими даврида чўлқуварлар билан бир сафда туриб меҳнат қиладилар.

Айрим рақамларга мурожаат қилишга тўғри келади. 1981 йилнинг ўзида Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотлари Жиззах области хўжаликларига 7 миллион сўмликдан кўпроқ оталиқ ёрдами кўрсатдилар. Пойтахтликларнинг кучи билан Зарбдор районидаги «Ударник» ва 12-совхозда чўчқахона ва молхона барпо этиляпти. Арнасой районида теплица қурилиб, ишга туширилди. Биргина Ҳамза районидаги коллективлари Пахтакор районидаги хўжаликларда 10 та дала шийпонини ремонт қилиб бердилар. «Ташсельмаш» заводи ва пахтачилик учун давлат махсус конструкторлик бюросида оталиқ хўжаликлар учун 150 механик-ҳайдовчи тайёрланди. Мирзачўл районидаги «Тошкент», «Советская Россия», «Партия XXIV съезди» совхозлари, 21 та дала шийпони электрлаштирилди. Тошкентдаги «Узбекгазстрой» тресті «Советская Россия» совхози, Иржар пахта тозалаш заводининг 244 уйини газлаштириб берди. Бу жойларда 7 километрлик газ қувурлари ўтказилган.

Дала ишлари авжига чиққан пайтда оталиқ областнинг хўжаликларига Тошкент шаҳридан 72 кўчма устахона, 74 пайвандлаш аппарати, юзга яқин юк, 70 та ёқилғи ташийдиган автомашина юборилди. 625 нафар слесарь ва пайвандчилар колхоз ва совхозларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда техника ремонти ва қаровини ўтказишди.

Ҳар йили пахта териш даврида Тошкент олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг 55 мингдан кўпроқ студент ва ўқувчилари, 3 минг ўқитувчиси жиззахликларга мададкор бўладилар. Айни пайтда студент механизаторлар пахта териш машиналарини бошқарадилар. Ўтган йили тошкентликлар Жиззах области далаларида 80 минг тоннадан кўпроқ пахта теріб бердилар.

— Чўлқуварларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш қандай йўлга қўйилган?

— Жиззах области хўжаликларининг дала шийпонлари, чорвачилик фермалари пойтахтлик санъаткорлар учун иккинчи «саҳна» бўлиб қолган, дейиш мумкин. Ўтган йили Навоий номли ўзбек академик опера ва балет театри, Ўзбекистон давлат филармонияси артистлари ва бошқа профессионал коллективлар чўлқуварлар ҳузурида бўлиб, ўз санъатларини намойиш қилдилар. Шу билан биргаликда Тошкентдаги маданият уйлари бадиий ҳаваскорлари ҳам область хўжаликларида концерт қўйиб беришади. Кўпгина театрлар, ансамбллар Жиззах областидаги маданият уйлари, бадиий ҳаваскорлик коллективларини оталиққа олганлар. Улар қишлоқ санъат ихлосмандларига устозлик қилишади, зарур музика асбоблари билан таъминлашади.

Область қишлоқ йўлларида пойтахтдан келган автопавкалар, кўчма маиший хизмат кўрсатиш устахоналарини учратасиз. Улар оталиқ хўжалик меҳнаткашларига савдо ва маиший хизмат кўрсатадилар.

Жиззахликлар ўз район ва қишлоқ касалхоналарида пойтахтнинг энг малакали врачлари белгиланган кунларда беморларни қабул қилишларини яхши билишади. Зарур ҳолларда беморлар Тошкентдаги энг яхши шифохоналарда даволанишга юборилади.

Оталиқ ёрдами тобора серқирра бўлиб бормоқда. Масалан, Ҳамза райони умумтаълим мактабларининг педагогик коллективлари жиззахлик ҳамкасбларига таълим-тарбия савиясини ошириш соҳасидаги тажрибаларини ўргатяптилар. Тошкент шаҳри ва Жиззах области мактабгача тарбия муассасалари, бошқа соҳа ходимлари ўртасида ҳам ўзаро тажриба алмашишларига бағишланган учрашувлар бўляпти.

— КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қишлоқ меҳнаткашлари олдига жуда катта ва масъулиятли вазифалар қўйилди. Уларни амалга оширишда Тошкент шаҳри меҳнат коллективлари оталиқ хўжаликларига қандай ёрдам кўрсатишмоқда?

— Шаҳар партия комитети, район ижроия комитетлари бу тарихий Пленум қарорлари асосида ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, оталиқ ёрдамини кучайтириш тадбирларини белгиладилар. Бу йил ҳам Жиззах области хўжаликларига камида 7 миллион сўмлик оталиқ ёрдами кўрсатиш мўлжалланяпти.

СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ҳисса қўшиш мақсадида Жиззах областида йирик чорвачилик комплекслари қуришда кўмаклашпмиз. Жумладан, пойтахтдаги Октябрь райони қурувчилари Дўстлик районидаги Саркисов номли совхозда 2000 бош чўчқага мўлжалланган чўчқачилик комплекси қурилишини бошлаб юбордилар. Октябрь районидаги Охунбобоев номли, Зарбдор районидаги 12-«д» совхозларида ва бошқа хўжаликларда ҳам чорвачилик комплекслари қуриляпти.

Буюк Ватанимизнинг кўп миллатли халқлари СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу йилги юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши шонли юбилейга муносиб армуғон бўлади. Ўроқ ва Болга иттифоқига содиқ пойтахт ишчилар синфи юбилей йили учун белгиланган марраларини сўзсиз эгаллаш билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқ биродарлиги, ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди. Жиззах чўлқуварларига оталиқ ёрдамини кучайтиради.

ТОШКЕНТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЖИЗЗАХГА

● ТОШКЕНТ трактор заводида ишлаб чиқарилаётган «пўлат отлар» республикамиздаги барча областлар қатори Жиззахга ҳам кўплаб жўнатиляпти. Корхонанинг саксон от кучига эга бўлган, пахтачиликка мослашган қудратли агрегатлари жиззахлик пахтакорларнинг «оқ олтин»дан мўл ҳосил олишида мададкор бўлмоқда. Суратда: тайёр машиналар завод ҳовлисида.

ТРАКТОРЛАР ЧЎЛГА ЙЎЛ ОЛАДИ

ТОШКЕНТ тракторн. Республикамиз пойтахти машинасозларининг қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда фойдаланишга мўлжаллаб чиқараётган ўнлаб турдаги агрегатларнинг бири, у. Эндиликда бу машиналарни иттифоқимизнинг «оқ олтин» етиштириладиган барча республикаларида, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида учратиш мумкин.

У пишиқ-пухталиги, чидамлилиги, механизатор учун кўпгина қулайликлар яратиб берилганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ҳар йили пахтакорларга ўнларча минг шундай машиналар етказиб берилмоқда. Бу агрегатларимиз чўлқуварлар учун ҳам жуда қўл келаётганлиги, улар меҳнатини осон, оғирини енгил қилаётганлиги билан фахрланамиз.

Лекин, ҳозирги вақтда биз ишлаб чиқараётган МТЗ-80 ва Т28Х4М ҳамда унинг транспорт вариянти ҳисобланган Т28Х4МС маркали тракторлар келгусида талабга тўла жавоб бермай қолиши аниқ. Пахтакорларимиз олдида турган катта ва масъулиятли вазифалар, бу тармоқни янада юксалтириш манфаатлари уларни тағин ҳам такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам биз изланишни давом эттирмоқдамиз.

Ҳа, Тошкент тракторининг туғилиш, такомиллашиш жараёни ҳали тугагунча йўқ. Машина муттасил яхшиланмоқда, модернизация қилиняпти. Модификациялаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Корхонанинг ихтисослашган конструкторлик бюросида трактор барча узелларининг янада пишиқлаш, айниқса, деталларнинг чидамлилигини ошириш, ташқи кўринишини яхшилаш, мотор ресурсларининг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик охирига келиб юз от кучига эга бўлган тракторларни ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Ў ҳозирги вақтда тайёрланаётган агрегатларга нисбатан қатор афзалликларга эга. Унификациялашган бундай машиналардан бир йўла кенг ва тор қаторли қилиб экилган ғўзаларга ишлов бериш мумкин. 1985 йилга келиб тракторларимизнинг шухрат доираси янада кенгаяди. У жаҳон бозорида энг замонавий тракторлар билан рақобат қилааоладиган бўлади.

КПСС XXVI съезди қарорларида корхонамизнинг янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш назарда тутилган. Натижада ўн иккинчи беш йилликда тракторнинг техник даражаси янада оширилади. Унинг асосий узеллари такомиллашади, механизаторлар учун янада кенг қулайликлар яратиб берилади.

Транспорт воситаси сифатида фойдаланиладиган тракторларни такомиллаштириш юзасидан ҳам иш олиб борилмоқда. Конструкторларимиз уларга жуда кўп янгиликлар киритадилар. Бу агрегатларнинг тажриба нусҳалари ҳозирги вақтда синовдан ўтаяпти.

Тракторсозларимиз ва конструкторларимизнинг истиқбол режалари катта. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг корхонамизда бўлиши, ишлаб чиқаришни ва тайёрланаётган тракторларнинг техник даражасини ошириш юзасидан берган маслаҳатлари, йўл-йўриқлари бутун коллективимиз куч-ғайратини мисли кўрилмаган даражада авж олдириб юборди. Шу туфайли ҳам янги тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни тезлаштириш учун барча резерв ва имкониятларни ишга соляпмиз.

Ўн биринчи беш йиллигининг охирига келиб янги 100 от кучилик тракторлардан 8 мингтаси тайёрланади ва пахтакорларга юборилади. Кейинчалик агрегатларни тайёрлаш кўпайиб, ҳар йили 35 минг дона шундай тракторлар ишлаб чиқариш қувватига эришиш таъминланади.

Бу биз, машинасозларнинг умуман пахтакорларимиз меҳнатини енгиллаштириш, хусусан Жиззах чўлқуварларининг янги-янги ерларни ўзлаштириш борасидаги қаҳрамонона ишини янада кенгайтириш ва тезлаштиришга қўшган ҳиссамиз бўлади.

А. БЛАЖКО,
Тошкент трактор заводи бош конструкторининг ўринбосари.

ТОПГАНИМИЗ ЎРТАДА

ХАЛҚИМИЗНИНГ сабзавот, ширин мевага, узумга бўлган талаби тобора ортмоқда. Буни яхши ҳис этган соҳибкорларимиз янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига токзорларни 813 гектарга, боғларни 324 гектарга, сабзавот ва полиз экинлари майдонини 50 гектарга етказдилар.

«Ўроқ ва Болга» иттифоқи йилдан-йилга мустаҳкамланиб, яхши анъаналар вужудга келмоқда. Совхозимизда ҳар йили икки марта — ёзда ва кузда «қизил карвон»лар ташкил қилиниб, республикамиз пойтахти аҳолисига ноз-неъматлар етказиб берилаяпти.

Соҳибкорларимиз юбилей йилида 3 минг тонна узум, 1000 тонна мева, 417 тонна сабзавот, 455 тонна қовун-тарвуз етиштириш юзасидан юксак мажбурият қабул қилишди. Айни кунларда ҳар бир бўлим, бригада ва звенода бу юксак мажбуриятни бажариш учун кураш қизғин бормоқда, ўзаро мусобақа кучайтириб юборилган. Бу мусобақада Умрзоқ Яхшибоев, Виктор Абрамов, Замира Ярилуна, Анна Киринкер, Хотира Аҳмедова, Нурулла Тангиров сингари совхоз ишчилари олдинда бормоқдалар.

Совхозимиз ишчилари бу йил етиштирилган мева, узум ва полиз маҳсулотларининг тенг ярмини Тошкент шаҳри меҳнаткашлари дастурхонига тортиқ этишга аҳд қилишган. Кўрсаткичнинг дурдонаси шаҳарликлар дастурхонини безаса, биз бе-ҳад бахтиёр бўламиз.

И. ЭРМАТОВ,
Дустлик районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг ишчиси.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ИЛМИЙ КУЧЛАР БИРЛАШДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИ иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган Асосий йўналишларида илмий муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб олиб бориши такомиллаштириш, фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланган.

Тошкент область партия комитетининг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми билан биргаликда республика Фанлар академиясининг жамоатчилик асосидаги Тошкент илмий марказини ташкил этиш тўғрисида кўрсатган ғамхўрлиги бу жиҳатдан муҳим янгилик бўлди.

Илмий марказнинг иши 6 та программа бўйича олиб борилади. Улардан бири «Ташкентхлопок» (ғўзани парваришлаш ва пахтани қайта ишлашнинг индустриал технологияси) ҳозир ишлаб турибди.

«Озиқ-овқат программаси», «Ташкентметалл», «Тошкент қурилиш индустрияси», «Иккиламчи ва маҳаллий ресурслар», «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш» программалари эса яқиндан бошлаб амалга оширилади.

Тошкент илмий маркази область халқ хўжалиги барча тармоқларининг иш самарадорлигини оширишнинг асосий проблемаларини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилади.

Т. ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, академик М. Т. Урозбоев номидаги механика ва зилзилабардош иншоотлар институтининг директори, Тошкент илмий маркази раиси.

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР

ХЎП ЯРАШГАН УЙЛАРИМИЗ

«СРЕДАЗГИПРОЦЕЛИНСТРОЙ» институтида тайёрланган лойиҳа асосида қурилаётган «Жиззах чўли-2» серияси даги уйларда умумий залдан ташқари катта ва кичик икки хона, ошхона, душхона, кўча дарвозаси, енгил автомашиналар турадиган гараж, молхона, 6—7 сотихли томорқа ери мавжуд. «Бўстонсовхозстрой» трестига қарашли 46-механизациялашган кўчма колонна қурувчиларининг зардбор меҳнати билан қад кўтарган дастлабки ана шундай турар-жой биноларида ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.

СИЗ БИР ЁНДАН, БИЗ БИР ЁНДАН

ДУСТЛИК районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз меҳнаткашлари билан пойтахтнинг Октябрь районидаги «Ирмонтажстрой» трести ва тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари ўртасида ўзаро меҳнат шартномаси имзоланди. Шартномага мувофиқ чўлқуварлар яқинда карам, пиёз, бодринг ва бошқа резаворлар ортилган машиналарни Тошкентга жўнатишди. Октябрь район меҳнаткашлари эса чўлқуварларга пайвандлаш агрегати, техник хизмат кўрсатадиган бензин ва юк ташийдиган автомашиналарни юбордилар.

А. РАҲМОНҚУЛОВ.

● «БЕШ ЙИЛЛИКНИ УЧ ЯРИМ ЙИЛДА БАЖАРАМИЗ!» Тошкент тўқимачилик комбинатининг пешқадам тўқувчилари опа-сингил Дилбар ва Гулбаҳор Қулматоваларнинг шнори ана шундай. Улар иккаласи 96 та тўқув станогига хизмат кўрсатяпти. Бу эса нормадагидан икки баравар кўпдир. Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари нишондори, Ленин комсомоли ва тўқувчи Виноградовалар мукофотларининг лауреати, СССР Олий Совети депутати Дилбар Қулматованинг сингляси Гулбаҳор ҳам бугун моҳир тўқувчи. СУРАТДА: опа-сингил Дилбар ва Гулбаҳор Қулматовалар.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

● ЖИЗЗАХЛИК чўлқуварлар йил сайин янги-янги ерлар очиб, пахта плантацияларини тобора кенгайтириб боришяпти. Суратда: янги ерларга оби-ҳаёт етказиб берадиган 2-Жиззах насос станцияси қурилишида.

А. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

КЕЛИНГ, ТЕНГЛАШАЙЛИК

БРИГАДАМИЗ аъзолари 150 гектар ерда деҳқончилик қиладилар. Шундан 35 гектар ерга маккажўхори экканмиз. СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга мунасиб ҳисса қўшишга аҳд қилган деҳқонларимиз мўл-кўл дон ҳосили ва кўкпоя олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳозир сувчиларнинг зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Чунки, бундан буён экин қондириб суғорилмаса, сўталар бўлиқ бўлмайди, яхши етилмай қолиши мумкин. Тупроқда доимо нам бўлишини таъминлаш ва унинг донадорлигини ошириш учун ҳар ўн кунда эгатларга енгил сув қўйилади.

Яқинда бригадамиз дала шийпонида маккажўхорикорларнинг область семинари бўлиб ўтди. Бунда ўзаро тажриба алмашинди. Биз ана шу кенгаш белгилаб берган тадбирлар асосида иш олиб бормоқдамиз. Ҳар гектардан камида 110 центнердан маккажўхори дони, 500 центнердан силосбоп кўкпоя олиш учун барча тажриба, маҳоратимизни ишга соляпмиз.

Б. ТУРДИЕВ,
Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз-техникуми бригада бошлиғи.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА БИЗ КАМАРБАСТА

СССРНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ТУБ ҲАЕТИЙ МАНФААТЛАРИГА МОС КЕЛАДИ. УНИНГ БАЖАРИЛИШИ МЕҲНАТКАШЛАР ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЯНАДА ЎСИШИНИ, СОВЕТ ЖАМИЯТИ КОММУНИЗМ ЙЎЛИДАН ОЛГА ҚАРАБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

(СССРнинг Озиқ-овқат программасидан)

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ОЛТМИШДАН ОЛАМИЗ

МАНА, техника жиловини қўлга олиб, пахтазор оралай бошлаганимга 30 йилдан ошди. Деҳқончиликда, айниқса, пахтачиликда комплекс механизацияни жорий этиш борасидаги буюк ўзгаришларнинг ҳаммаси менинг кўз ўнгимда, қолаверса, бевосита иштирокимда юз берди. Бугунги кунга келиб бизнинг хўжалигимизда суғориш ишлари ҳам механизация зиммасига юклатилмоқда.

Арнқдаги сув тракторларга ўрнатилган насослар ёрдамида ўқариқларга эмас, махсус эгилувчан шлангларга узатилади ва ҳар бир эгатга тенг ўлчамда оқизилади. Сувчининг вазифаси эса, у ер-бу ерда сувнинг кўлламаслиги, эгатларнинг бир маромда захлашини кузатиб юришдан иборат, холос.

Аммо, техника деҳқоннинг оғирини ҳар қанча енгил қилмасин, пахтага чинакам меҳр қўймай, ҳар бир ишга виждонан муносабатда бўлмай кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар сафар бир хил шароитда меҳнат қила туриб, ҳосилдорликка келганда анча орқада қолиб кетадиган коллективларни кўрганимда бўлимимиз бошқарувчиси, уста пахтакор Алима опа Айвазованинг шу бўлимга ишга ўтган дастлабки кезларида айтган гаплари ёдимга тушади: «Пахта —табиат мўъжизаси. Уни ардоқлаганнинг ўзи ҳам ардоқда бўлади».

Бу шунчаки гап эмас, ҳаётий ҳақиқат эканлигини ўз звеномиз тажрибасида синовдан ўтказдик. Хўжалигимизда биричиларидан бўлиб, 50 центнерчилик ҳаракатини бошлаб, тез орада бу маррадан ошиб кетдик.

Тўғрисини айтганда, 11 кишидан иборат кичик коллектив билан 72 гектар майдондан ҳар йили бирдек, 400 тоннадан ошириб ҳосил йиғиштириб олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу звеномиз ҳар бир аъзосининг пахтани ардоқлаш, ўзига ишонча топширилган вазифани ҳалоллик билан сидқидилдан бажаришга одатланганлиги самарасидир.

Биз ўзимизга бириктирилган ҳар бир картанинг ўз хусусиятлари, бир-биридан фарқ қиладиган томонларини обдон ўрганиб олганмиз. Ерларни экишга тайёрлашдан бошлаб, ғўзани озиқлантириш, суғориш ва қатор ораларини юмшатишда ана шу хусусиятларни ҳисобга оламиз. Бу эса ҳар йили ғўзани текис ва эртаги қилиб ўстириш, ҳамма карталарда баравар мўл ҳосил етиштириш имконини бермоқда. Натижада, карталар машина теримга мос бўлиб, ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиштириб олиб, юқори сортларда топширяпмиз. Пахтанинг таннархи арзонлашиб, звеномиз аъзоларининг даромадлари баракали бўлмоқда.

Совхозимиз бўйича энг арзон пахта бизнинг бўлимимизда етиштирилади. Кейинги уч-тўрт йилдан бери бир центнер пахтанинг таннархи 20 сўмдан ошмаяпти. Звеномизда эса 17—18 сўмни ташкил этаётир.

Бу йил совхозимиз дирекцияси ва партия комитети ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш, давлатга камида 18 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Тошкент область партия комитети бу тадбирларни маъқуллади.

Ҳозирги кунда оширилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун барча бўлим, бригада ва звеноларда ўзаро меҳнат беллашуви қизғин авж олиб кетди. Бизнинг звеномиз аъзолари СССРнинг 60 йиллиги шарафига 60 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилдилар. Ғўза парвариши ҳам ваъдага яраша тез ва сифатли олиб борилмоқда.

Қондириб суғорилиб, қатор оралари чуқур юмшатилаётган ғўзаларимиз дуркун ривожланиб, ёппасига гулламоқда. Тез орада дастлабки ҳосил нишонаси — кўсаклар пайдо бўлади. Шуни ҳисобга олиб, бу йилги шаронтда йиллик нормадаги минерал озиқани 25 июнгача бериб бўлдик ва комплекс ишловни янада кучайтириб юбордик.

Энвер АЛИЕВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати. Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг звено бошлиғи.

БИЗ ҲАМ ҚОЛИШМАЙМИЗ

«Қўриқ менинг ҳаётимдан мустаҳкам ўрин олган».

Л. И. БРЕЖНЕВ

ПАХТА меҳри опам Турсуной қаби менинг қалбимга ҳам ота сути билан кирган. Бунда муболаға йўқ. Эсимизни таниб, дала кезамиз, чигитнинг униб чиқишидан бошлаб, ҳосилни теріб олганга қадар ер, пахта ҳидини туйиб, шу йўлда заҳмат чекамиз. Катта хирмон бунёд бўлган куни чарчоқ унут бўлади. Менимча, деҳқоннинг энг бахтли, саодатли дамлари ўша дамлардир.

Опам Турсунойдан деҳқончилик, одамлар билан юракдан гаплашиш илмини ўргандим. Ўн яшарлик чоғимда опамнинг элда номи чиққан, «зангори кема»ни гуриллатиб ҳайдаб юрарди. Ҳар куни унга тушлик олиб борардим. Бир куни опам сўраб қолди: «Инобат, вояга етсанг ,ким бўлмоқчисан?». Билибми, билмайми: «Сизнинг изингиздан бораман» деб юбордим. Опам пешонамдан ўпди.

Чўлга отланаётганимда «оқ йўл» тилаб айтган гаплари ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди: «Кўп тўсиқларга дуч келасан, лекин чўчима, чекинма. Сабот-матонат, мардлик йўлдошинг бўлсин».

Отасиз ўсганимдан бу гапни ота ўгити сифатида қабул қилдим. Механизатор, бригадир бўлган йилларимда, директор бўлиб ишлаётган ҳозирги кунларда ҳам ўша ўгит менга асқотаяпти. Бирор қийинчиликка дуч келсам, опамнинг сўзлари мадад бўлади.

Чўл ишқи қалбимда илк бор куртак ёзганида 17 яшар қиз бола эдим. Шунинг учун ҳам пахта ва чўл ишқини ҳаётимнинг мазмуни, деб биламан. Иккисини бир-биридан ажратиб тасаввур қилолмайман. Чунки, ҳар иккиси туфайли бахт топдим, кўксимни қўша-қўша орденлар безади. Депутат сифатида каттакичик масалаларни ҳал этишда қатнашаман.

Мен раҳбарлик қилаётган хўжалик 9 йил муқаддам ташкил топган эди. Ҳувиллаган қақроқ чўлда бугун ажиб бир гулшан пайдо бўлди. Посёлкамиз шаҳар тусини олган. Бу ерда одамларнинг фаровон турмуш кечириши учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Совхозимиз райондаги бақувват хўжаликлардан бирига айланди. Ўтган йили давлатга 11 минг тонна пахта топширдик. Ҳосилдорлик 30 центнерга етди. 1 миллион сўм соф даромад олинди.

Ўтган йилдан бошлаб хўжалигимиз бригада пудрати методига ўтди. Унинг самарасини одамлар ўз тажрибаларида синаб билдилар. Бу йил 2 та бўлим ва 14 та бригада нарядсиз система асосида иш юритмоқда. Пахтакорларимиз шу кеча-кундузда 12 минг тонналик катта хирмон учун кураш олиб бораяптилар.

Инобат ОХУНОВА,
Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхози директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ҒАЛЛАОРОЛ ҒАЛЛАСИ

Олтин бошоқлар чайқалиб, тўлқинланиб кўзни қувонтиради. Бу—Ғаллаорол районидаги Усмон Юсупов номли совхоз 3-бўлимига қарашли далалар. Бу йилги мураккаб шароитда ҳам лалмикорликда тузуккина ҳосил етиштирилди. Ўримга пухта тайёргарлик кўрдилар, комбайнлар ўз вақтида созланиб, ишга барвақт шайланди. Механизатор кадрлар танланди. Улар амалий машғулотларда ўз маҳоратларини қайта-қайта синовдан ўтказдилар.

Ҳозир бўлим ғаллазорларида бўлган киши ғаниматдамларнинг қадрига етиб, техникадан унумли фойдаланиб, баракали меҳнат қилаётган комбайнчиларга қойил қолади. Бу ерда олтита комбайн ишлаб турибди. Ҳар бир комбайн билан кунига 8—9 гектар майдондаги ғалла ўрилиб, янчилмоқда.

Комбайнчиларнинг ўзаро мусобақаси авж олган. Мусобақа пешқадамларини моддий-маънавий рағбатлантириш —ютуқлар гарови бўлаётир.

СУРАТЛАРДА: илғор комбайнчилардан Х. Умиров, Т. Ёқубов. Ўрим пайти. Мусобақа қолиби М. Бегимов.

К. Жўрақулов фотолари.

СУТ СЕРОБ БЎЛСИН

СЪЕЗДЛАР йилида Тошкент область чорвадорлари давлатга пландагига қўшимча 11 минг тоннадан зиёд сут етказиб бердилар. Бу ютуқда менинг ҳам озми-кўпми улушим борлигидан фахрланаман. Чунки, ўтган йили боқимимдаги 40 бош сигирнинг ҳар биридан ўртача 5900 килограммдан сут согиб олиб, шахсий мажбуриятимни ортиғи билан бажардим.

Партия ва ҳукуматимиз биз, коммунистларни эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмай, доимо олга интилишга, меҳнат кўрсаткичларини янада мустаҳкамлаб, юксалтириб боришга даъват этаётир. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган СССРнинг Озиқ-овқат программасида ҳам 1990 йилга бориб колхоз ва совхозларда ҳар бир сигирдан согиб олинадиган сут миқдорини ўрта ҳисобда 500—600 килограммга ошириб, уларнинг йиллик маҳсулдорлигини 4 минг килограммга етказиш вазифаси қўйилган. Бу марраларнинг муваффақиятли эгалланиши биз чорвадорларнинг ўз ишимизга доимо ижодий ёндошиб, янгиликлар яратишимизга, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Чунки, барча соҳаларда бўлгани каби сигирларнинг сутини кўпайтиришда ҳам аниқ белгилаб қўйилган чегара йўқ. Излаш-изланишдан эринмайдиган чорвадор учун эътибордан четда қолаётган резерв ва имкониятлар топилади, албатта. Бунга ҳар бир хўжаликдан конкрет мисоллар келтириш мумкин. Масалан, бир фермининг ўзида тажрибали соғувчилар ўз группаларидаги сигирлардан ҳатто 6000 килограммга етказиб сут согиб олишаётган пайтда, улар билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ҳамкасблари эса бу кўрсаткични 4000 килограммга ҳам етказа олмайдилар. Мана шунинг ўзи сут етиштиришда катта резервлар борлигидан дарак беради.

Мен бу йил қарамоғимдаги ҳар бир сигирдан 6000 килограммдан сут согиб олиш учун курашмоқдаман. Бунинг учун фермамизда зарур барча шарт-шароитлар бор.

В. МУСАЕВА,
Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, КПСС XXVI съезди делегати.

● ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг қатор илмий-тадқиқот институтлари пахтанинг вильта чидамли, эрта пишар ва серҳосил навларини яратиш устида тинмай изланмоқдалар. Хусусан, академиянинг ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институтида яратилган бундай навларнинг кўпчилиги ҳаётга йўлланма олди. Олимлар пахта ҳосилдорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда табиий иқлимни, ер шароитини тўла ҳисобга олаётирлар. Суратда: институт тадқиқотчиларидан қишлоқ хўжалик фанлари доктори А. Зокиров ҳамда биология фанлари доктори Р. Азимовлар ўзлари етиштирган янги нав устида суҳбатлашмоқдалар.

Пастдаги сурат республикамиз фанлар академиясининг ўсимликлар химияси институтида олинган. Химия фанлари кандидатлари Т. Дўстмуҳамедов ва Н. К. Рожковалар янги дефолиантни кўздан кечиришмоқда.

В. Сироткин фотолари.

ЯЙЛОВЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

ИЛГОР чорвадорларнинг область қурултойи давом этарди. Бир томондан чўпон таёғини тутган кекса отахон, иккинчи томондан навқирон йигит минбарга кўтарилишди. Залда ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида ота ўғлига чўпонлик таёғини топширди. Йигит таёқни қабул қилиб оларкан: «Авлодларимиз муқаддас билган эзгу касбга содиқ қоламан» деди. Булар — отабола Сами ва Эшим Бувраевлар эди.

ЗАЛДА ўтирганлар қатори мен ҳам қаттиқ ҳаяжонландим. Беихтиёр отамнинг «Бу таёқни муқаддас бил. Бутун авлод-аждодларимиз шу таёқ ортидан рўзғор тебратиб, бола-чақа боққан, эл-юрт ўратасида обрў топган», деган сўзлари ёдимга тушди. Ҳақиқатан ҳам чўпон таёғини тутиб кам бўлмадик. Укаларим Юсуф, Тоғайлар ҳам изимдан борди. Бирлашиб, биргалашиб меҳнат қилдик. Самараси баракали бўлди. Ўнинчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажардик.

Йигирма тўрт йиллик меҳнатим, қўлга киритган муваффақиятларимни партия ва ҳукуматимиз қадрлаб, менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берди. Ўшанда саксон ёшли отамнинг кўзларида ёш кўргандим. Албатта, бу севинч ёшлари эди: «Ниҳоят, бизнинг авлодимиздан ҳам қаҳрамон чиқди. Берган тузим, маслаҳатларимни оқладинг», деганди отам. Фарзанд учун отанинг қувончини кўришдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак.

Қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиб, боқимимиздаги 550 бош совлиқнинг ҳар юзидан 250 тадан қўзи олдик, 470 бош қўзини соғлом ўстираяпмиз. Бироқ бу йилги шароит чўпондан тадбиркорлик билан иш юритишни, мавжуд резервлардан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Тажрибали чўпонлар шу кунларда қўйларни тоғ бағрига ҳайдаб боқишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Яна бир муҳим масала бор. Яйловлар ҳосилдорлигини ошириш учун булоқ сувларидан фойдаланиш чораларини кўрсак, оқилона иш тутган бўламиз.

Сўнгги йилларда бир масала мени кўп ўйлашга мажбур қилади. Бу масала умрини чорвачиликка бағишлаганларнинг ҳаммасини қизиқтирса керак. Чорвачилик-ку, йил сайин тараққий қилаяпти. Бироқ, бу соҳага муносиб кадрлар етказиб бериш вазифаси муваффақиятли ҳал этилаётир, деб бўлмайди. Бу соҳага ҳам, асосан, ёшлар керак.

Районимиз бўйича 1980 йилда қўйлар сони 333,2 минг бош эди. Бу йил 385 мингдан ошди. 1985 йилга бориб 400 мингдан зиёд бўлиши кўзда тутилмоқда. 40-50 йил сурув сурган тажрибали кекса чўпонлар пенсияга чиқишяпти. Ўтган йили совхозимиз территориясидаги мактабларни 150 нафардан зиёд ўқувчи битирган бўлса, улардан фақат 20-25 кишигина қишлоқда қолди. Бошқалари эса шаҳарлик бўлиб кетишди. Демак, фарзандларимизни ота-боболаримизнинг табаррук касби — чўпонликка ўргатиш, улар қалбида бу соҳага чинакам меҳр уйготиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керакка ўхшайди.

Қ. АЛҚАРОВ,
Фориш районидаги К. Маркс номли совхоз бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЎЗЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ, ОБОД ҚИЛАМИЗ

ҲУР республикалар Иттифоқи ташкил топганига 60 йил тўлмоқда. Миллион йилларни ўз ичига олган тарих учун бу жуда қисқа давр. Аммо, бу йиллар Советлар мамлакати учун дўстлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт йиллари бўлди. Буни 1 миллион гектар майдонни эгаллаган, қадимда «оч дала» номини олган Мирзачўлда бунёд этилган шаҳарлар, посёлкалар, пахтазорлар, боғу бўстонлар мисолида кўриш мумкин.

БУГУНГИ кунда Мирзачўлнинг иккинчи навбати — Жиззах дашти ўзлаштирилмоқда. «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг турли миллатлардан иборат 40 минг кишилик коллективи кенг кўламда комплекс ўзлаштириш ишларини олиб бормоқда. Ана шу 40 минг кишилик чўлқуварлар армияси СССРнинг 90 га яқин миллат ва элатлари вакилларидан ташкил топган.

«Чўлқувар», «Ғалаба», «Оқ олтин», «Ленин йўли», «Прогресс», «Партия XXVI съезди» — Жиззах даштида янги ташкил этилган совхозлар ана шундай номланади. Бу хўжаликларнинг деҳқонлари айни кунда қурувчилар бунёд этган шинам турар-жойларда истиқомат қилиб, кечагина дашт деб номланган ерларда мўлкўл «оқ олтин» ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Дашт зонасида янги ташкил этилган биргина Зарбдор райони хўжаликлари ўтган йили Ватанга 22,4 минг тонна пахта, 13997 тонна дон, 7540,6 тонна сабзавот, 14363,3 тонна полиз маҳсулотлари етказиб берди.

1974 йилнинг 24 июнида Жиззах даштини ўзлаштириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатининг дастлабки дадил қадами ташланган эди. Шундан буён ўтган вақт мобайнида даштда 217 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Жиззах бош насос станцияси, яқинда эса 2-Жиззах насос станцияси ишга тушди. Айни кунда бу икки сув кўтариш тизмаси 100 минг гектарга яқин майдонни об-ҳаёт билан таъминламоқда.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилсин, дейилади. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумида маъқулланган СССРнинг Озиқ-овқат программасида «Қарши ва Жиззах чўлларидаги ерларни комплекс ўзлаштириш ишлари амалга оширилсин» деб таъкидланди. Партия кўрсатган йўлдан бораётган бошқармамиз коллективи ўн биринчи беш йилликда даштда 567 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши керак. Шунда 178 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. Бу ерда ташкил топган пахтачилик хўжаликлари 26 тага етиб, 2 та боғдорчилик, 2 та сут ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган хўжалик барпо этилади. Чўлқуварлар эл дастурхонини ноз-неъматларга сероб қилибгина қолмай, маҳсулотларни мамлакатимизнинг Шимол зонасига ҳамда чет элларга ҳам тортиқ қиладилар.

300 минг гектар майдонни эгаллаган Жиззах дашти Озиқ-овқат программасини ижобий ҳал қилишда катта резерв ҳисобланади. Ундан оқилона фойдаланиш асосан ўзлаштириш ишларини тезлаштиришга боғлиқ. Белгиланган тадбирларга кўра шу беш йилликда дашт хўжаликлари аҳолиси учун 1 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қуриб берилади. 4 минг километр лоток тармоқлари тикланиб, 6 минг километрга дренаж ётқизилади. Бу ишлар амалга оширилгач, областнинг дашт зонасида йилига 270 минг тонна пахта, 100 минг тонна дон, шунча миқдорда сабзавот, 50 минг тонна сут, 15 минг тонна гўшт етиштирилади. Бу улуғвор ишларни табаррук дўстлик туйғуси билан ягона оилага бирлашган ва бу дўстликни ҳамма нарсадан азиз деб билган 90 га яқин миллат ва элат вакиллари амалга оширадилар. Бу улуғвор ишлар совет халқининг буюк бирдамлиги, дўстлиги, ҳамкорлиги билан рўёбга чиқади.

Ғ. МАЖИДОВ,
«Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг бошлиғи.

ТОШКЕНТЛИК БУНЁДКОРЛАР — ЖИЗЗАХ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Жиззах шаҳри кейинги йилларда кун сайин обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Бу ердаги кўплаб маданий—маиший ва турар-жой бинолари қурилишида тошкентлик бунёдкорлар ҳам актив иштирок этишмоқда. Тошкентлик рассом В. Штин улар ҳузурида бўлиб, қуйидаги расмларни чизиб қайтди: Жиззахнинг Ленин кўчасида «Главташкентстрой»га қарашли 2—уйсозлик комбинати қурувчилари тиклаган ҳар бири 54 квартирали иккита турар-жой биноси. Шу объект қурилишида фидокорона меҳнат қилаётган 5—разрядли сувоқчи Федор Шешняев. Бўёқчи Гулнора Мухаммаджонова ҳам бу уйларнинг кўркам бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Зловбинчи бригада комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари, 5—разрядли электр пайвандчи Сергей Пак.

СССР халқларининг қардошлик оиласида Жиззах области маданияти ҳам тобора гуллаб-яшнамоқда. Бугунги кунда ўлкада ўзбек давлат музикали драма театри, битта филармония, 6 та халқ ансамбли номини олган бадиий ҳаваскорлик коллективи, юзлаб тўгараклар меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Область ўзбек давлат филармониясининг директори, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби ГОИБНАЗАР ИСКАНДАРОВ ана шу ҳақда ҳикоя қилади.

— ФИЛАРМОНИЯМИЗ 1979 йилда ташкил топди. Ундан ошиқ миллат вакилларини бирлаштирган санъат даргоҳимизда ҳозир 1 та вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва 1 та ашула ва ракс ансамбли ишлаб турибди. Бу бадиий коллективларнинг йўналишлари ҳар хил. Диско Шоу услубида ташкил топган «Карнавал» вокал-чолғу ансамбли асосан меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқариш масканларида хизмат кўрсатишга мўлжалланган, «Гулдаста» ашула ва ракс ансамбли эса бевосита дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатади.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган май Пленуми маданият ва санъат ходимлари олдига ҳам улкан вазифалар қўйди. Бу коммунистик мўл-кўлчиликни яратаётган бунёдкор халқимизнинг турмуш маданиятини юксалтиришда, уларга кўнгилдагидек маданий хизмат кўрсатишда биз, санъаткорлар зиммамизга катта масъулият юклайди. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис этиб, дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни янада юксак поғонага кўтариш тадбирларини кўраяпмиз. Белгиланган план ва топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Коллектив 1982 йил ярим йиллик планини муддатидан икки ой илгари — апрель ойидаёқ ошиғи билан адо этди. Белгиланган 36400 ўрнига 40200 томошабинга хизмат кўрсатдик. 53400 сўм ўрнига 61700 сўмлик маданий хизмат қилинди.

Биз бу йил биринчи марта СССРнинг 60 йиллиги шарафига областда филармония кунларини ўтказиб, унинг самараларини ўз тажрибамизда синнаб кўрдик. Коллектив областдаги барча колхоз ва совхозларни, чорвачилик ферма ва отарларини айланиб чиқди. 30 мингдан ортиқ томошабин концертларимизга ташриф буюрди.

Шуни айтиш керакки, областимизда маданият ва санъатни ривожлантиришда қардош республикалар, республикамиз пойтахти ва Тошкент области билан йўлга қўйилган ижодий алоқалар яхши самара бераяпти. Вокал-чолғу асбоблари ансамбли қишда икки ой давомида Тошкент областида гастролда бўлди. «Гулдаста» ансамбли эса «Ўзбекконцерт» йўлланмаси билан 17 июндан бошлаб Қашқадарё областига, 1 июлдан Қозоғистонга гастролга йўл олади. Ўз навбатида қозоғистонлик санъаткорлардан бир группаси областимизга ташриф буюради.

Область санъатининг ана шундай кенг ёйилишида ўз хизматларини аямаётган, узоқ йиллардан буён Жиззах областида театр ва бадиий ҳаваскорлик ҳаракатини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшиб келаётган тошкентлик ҳамкасабаларимиздан беҳад миннатдормиз. Бугунги кунда уларни маданиятимизнинг кўплаб долзарб жабҳаларида учратиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш Давлат комитети ансамблининг раҳбари Т. Хўжамбердиев ва республика халқ артисти М. Юсуповлар областда бадиий ҳаваскорлик ҳаракатини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган бўлсалар, республика телевидениесининг режиссёри Т. Ҳамидов, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти ўқитувчиларидан Б. Назаров, санъатшунослик кандидатлари И. Пўлатов, Т. Турсуновлар театр санъатини юксалтиришга ёрдам кўлини чўзишяпти. Бундай ижодий алоқалар келгусида янада ривожланади, деган умиддамиз.

Областларимиз ўртасида йўлга қўйилган яхши анъаналар ҳар икки область маданий ҳаётининг юксалишига самарали таъсир кўрсатиши, табиий. Шунинг учун бундан кейин ҳам пойтахт области билан бўлган маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаймиз.

ДИЛДА ҚЎШИҚ ЯНГРАЙДИ

ТОШКЕНТНИНГ БОШ ПЛАНИ

Янги Тошкент қиёфаси йил сайин кўркамлашиб бораяпти. Шаҳар истиқбол сари дадил одимламоқда. Яқинда бир группа архитекторлар ва инженерлар коллективи пойтахтнинг янги бош планини ишлаб чиқдилар. Ўтказилган муҳокамада бу план юксак баҳо олди.

Планда 1990 йилга бориб Тошкент аҳолиси 2 миллион 200 минг кишига етиши назарда тутилган. Демак, аҳоли ҳозиргидан 350 минг кишига кўпаяди.

— Бундан буён шаҳарда янги саноат корхоналари қурилиши чекланади, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар бош архитекторининг биринчи ўринбосари Л. Т. Адамов. — Ҳозир атроф муҳитни маълум даражада ифлослантираётган корхоналар шаҳар ташқарисига чиқарилади. Натижада шаҳар ҳавоси яна ҳам тоза бўлади.

Уй-жой қурилишлари эса кенг кўламда олиб борилади. Асосий қурилишлар Киров, Сергели, Акмал Икромов районларига кўчади.

КЕЛАЖАККА САЁҲАТ

80-йилларнинг охирига бориб 14 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Шунда ҳар бир тошкентликка 13,5 квадрат метрдан турар-жой тўғри келади. Республика пойтахтида кўплаб 9 ва 12 ҳамда 16 қаватли бинолар бунёд этилади. Улар асосан монолит блоклардан қурилади. Шу йилнинг ўзидаёқ индустриал уйсозлик даражаси 90 процентдан ошади. Айни пайтда мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, савдо, маданий-маиший хизмат корхоналари тармоғи кенгайтирилади.

Шаҳар аҳолиси учун дам олиш зоналари яратиш устида алоҳида қайғурилмоқда. «Бўсув», «Анҳор», «Бўрижар» каналлари соҳиллари келажакда гўзал оромгоҳларга айланади. Барча массивлар ўз боғларига эга бўлади. Ирригация шахобчалари яна ҳам такомиллашади. Йил бўйи ариқлардан шилдираб зилол сув оқиб туради. Шаҳар чеккасидаги дам олиш зоналарига транспорт қатнови йўлга қўйилади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ТУЙҒУЛАР

Дўстлараро тиқдир
қоматим,
Улуғларга дилда эҳтиром.
Менинг учун севги
муқаддас
Ва азиздир дўстлик
деган ном.
Менга ҳаёт туюлар
гўзал,
Дўстларимнинг меҳри —
сеҳридан,
Яшамоғим мушкулдир
агар,
Жудо бўлсам дўстлар
меҳридан.

* * *

Кўпдан аён — одам
одамга,—
Е дўст бўлар ва ёки
ғаним.
Мен дўстликни танладим,
демак —
Душманинг йўқ сеннг,
душманим.

Турдибек НАЗАРОВ.

Янги шеърлар

МИНГГА КИР

Ёзди тарихнинг қуёш заррин қаламла бирма-бир,
Тўлди кўк лавҳию, ер саҳию, дарё, тоғу қир,
Колмади сен очмаган мушкул тилсимот, маҳфий сир,
Юмшади темир—пўлат кафтингда гўёки ҳамир.
Қудратингни мақтамоқ элга ҳамирдан бир патир,
Навқирон олтмиш яшар, қутлуғ замонам мингга кир.
Мункирнинг даъволари—дарёда маҳв ўлган ҳубоб,
Ерда бўлса энгзила тушмас қуёшга изтироб,
Чунки сен одил, ҳақиқатлар кўкида офтоб,
Сен билан халқнинг аро нур бор фақат нўқдир ҳижоб,
Сендаги тўрт ҳарф, тўрт фаслнинга ўхшар, СССР —
Навқирон олтмиш яшар қутлуғ замонам мингга кир.
Сенки бор, эл қалбида даҳшат олови ёнмагай,
Сенки бор, уйқудан авлоднинг чўчиб уйғонмагай.
Сенки бор, содиқ кўпайгай, элга эл ёвланмагай,
Сенки борсен, ғайр меҳри дил аро сақланмагай,
Тинч—омонликнинг либоси ҳеч қачон бўлмайди кир,
Навқирон олтмиш яшар қутлуғ замонам мингга кир.
Юлдузинг нссиқ, ширин сўзсан, камолинг беқиёс,
Шубҳасиз фикринг тўни олам элин қаддига мос,
Мўжизот дунёсисан, солди сенга Ленин асос,
Мавзилингдир—коммунизм, олга босгил, олга бос!
Бу сўзим таъриф ларнинг мингдан бирига лавҳа бир,
Навқирон олтмиш яшар қутлуғ замонам мингга кир.

ЧУСТИЙ.

САНГЗОР

Қирғоққа урилиб,
Сурниб —
Тошлардан-тошларга ошиб,
Ҳоҳ издан адашиб,
Шошиб,
Ҳоҳ энтикиб,
Ёмғир-у
дўлли довуллар...
Шундай ёнгинамда —
Бир қадам нарида
Сангзор шовуллар.
Бетин кун-у тун...
Ҳоҳ қалбимдаги нурдай—
Гўё кимдир
Зиё қилиб
оқизгандай атай.
Ҳоҳ салқини
Шеъргир ҳисдан,
Севинчдай.
Ҳоҳ осуда — тинчдай.
Ҳоҳ мени энтиктиргандай
Уни энтиктирган
дўлли довуллар.
Шундай ёнгинамда —
Қалбимда
Сангзор бетин шовуллар.
У на Сирдир,
на Амудир
Қуйилса денгизга.
У — мавжли ва авжли
оҳангдир,
У — меннинг ҳисларимдир,
Шу пайт қуйилаётган
Қалбларингизга.
У — сизникидир.
Сизникидир —
Сингиб кетса,
Оҳанги
Оҳангингизга
У на Сирдир,
на Амудир.
Уни
Сизлар етказурсиз,
Оҳанглар етказур
денгизга...
Урниб
Сурниб,
Энтикиб
Ёмғир-у
дўлли довуллар...
Шундай ёнгинамда —
Бир қадам нарида
Сангзор
оҳанг бўлиб
шовуллар.

Саид МАМАРАСУЛОВ.

ТОШКЕНТ шаҳар Октябрь райони маданият уйи қошидаги «Баёт» ансамблининг шуҳрати йилдан—йилга ошиб бормоқда. Ҳаваскор санъаткорлар тез—тез ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхоз меҳнаткашларига жозибали қўшиқ ва рақслари билан маданий хизмат кўрсатадилар.

Суратда: «Баёт» қизлари.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНЛАР

ESPANA 82

Шу кунларда футбол мухлисларининг диққат-эътибори жаҳон футбол чемпионатининг иккинчи босқич ўйинлари ўтказилаётган Испаниянинг Барселона ва Мадрид шаҳарларига қаратилган. Кеча бу шаҳарларда «В» ва «С» группасидаги командалар дастлабки ўйинини ўтказишди. ГФР командаси Англия терма командаси билан, Италия футболчилари аргентиналик чарм тўп усталари билан ўзаро куч синашдилар.

Бир кун аввал эса «Д» группасида иштирок этаётган Австрия ва Франция терма командалари Мадрид шаҳрида куч синашдилар. Учрашув франциялик спортчилар устунлигида ўтди. Улар 1:0 ҳисобида муҳим галабани қўлга киритдилар. СССР терма командаси иштирок этаётган «А» группасида эса Польша ва Бельгия терма командалари майдонга чиқишди. Чиройли ўйин кўрсатган Польша командаси учрашувни 3:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Бу группада навбатдаги ўйин эртага бўлиб ўтади. Бельгия терма командаси СССР терма командасининг рақиби бўлади.

Группа ғолиблари ўзларини кам деганда бронза медали билан таъминлайдилар.

ЗАМОНДОШНИ МАДҲ ЭТИБ

Жиззах чўли-мардлар майдони. Қадимда қуш учса қаноти қуйдиган, асрий мудроқ чўлларда меҳнат қилиб, у ерларни боғ-роғларга, пахтазорларга айлантираётган лаби ҳалол, ваъдасига вафодор меҳнаткашлар ҳамиша шоир ва ёзувчиларимизга илҳом бахш этиб келишган, янги асарларга қанот ратишга ундаган.

Жавоҳирлар сандиғини очаётган чўлқувар пахтакорлар, боғбону-соҳибкорлар, сабзаватчилар-чорвадорларнинг баракали меҳнатлари ҳар қандай асарга етакчи мавзу бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика Ёзувчилар союзи «Совет Ўзбекистони ёзувчилари асарларида ёш меҳнаткаш образи» мавзуидаги қаҳрамонона-ватанпарвардик ўқувини Жиззах областида ўтказди.

Ўқув қатнашчилари кўрик областнинг бир қатор хўжаликларида бўлдилар. Жумладан, Жиззах районидаги «Москва» колхози ва «Жиззах» совхозида бўлиб ўтган учрашувлар дала меҳнаткашларида ҳам, ёш ижодкорларда ҳам унутилмас таассурот қолдирди. Учрашув қатнашчилари — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Иброҳим Гофуров, шоир ва ёзувчилардан Мухтарама Улуғова, Юрий Ковалев, Хожиакбар Шайхов, Мукаррама Муродова ва бошқаларни самимий кутиб олдилар. Хўжалик дала шийпонида бошланган шеърхонлик чўлқуварларнинг мардонавор меҳнатлари билан танишув ва қизғин баҳслашув билан ниҳояланди.

Пойтахтдан борган ижодкорлар иккинчи куни Мирзачўл, Дўстлик, Зарбдор ва Пахтакор районларида бўлдилар. Дўстлик районида ижодий баҳс ва мушоираларга Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Ўткир Ҳошимов, Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар якада файз киритишди.

— Жиззах чўлқуварлари орасида бўлган кунларимиз хотирамизда узоқ сақланиб қолади,— дейди Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Яйра Саъдуллаева. — самимий учрашувлар давомида янги-янги меҳнат қаҳрамонлари билан шахсан танишдик. Уларнинг жасорати янги асарлар яратишда ижобий туртки бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Ана шундай фикрларни қаҳрамонона-ватанпарварлик ўқувида иштирок этган ҳар бир ижодкордан эшитиш мумкин эди.

ХАСКОВОЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

Тошкентга Хасково округи касаба союз совети делегацияси келди. Делегацияга округ касаба союз советининг секретари Коста Лачев раҳбарлик қилмоқда. Делегация составида Димитровград «Марбас» кон-энергетика комплексининг Христо Смирненски номли шахтаси комплекс ёшлар проходкачи бригадасининг бошлиғи, икки марта Болгария Халқ Республикаси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ради Станчев, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи округ комитетининг секретари Мария Бичваровалар бор.

Болгар дўстларимиз Тошкент области касаба союз ташкилотлари тўплаган тажрибани ўрганиш учун келишган. Делегация аъзолари область саноат корхоналари, хўжаликлари, ташкилот ва муассасаларида бўладилар, касаба союз активи билан учрашадилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Кеча Тошкент область касаба союзлари советининг раиси, ВЦСПС аъзоси А. В. Браилов Хасково округидан келган делегацияни қабул қилди.

◆ ЖИЗЗАХ — санъат ихлосмандлари маскани. Область шаҳар ва қишлоқларида кўплаб бадиий ҳаваскорлик коллективлари ишлаб турибди. Уларнинг куй ва қўшиқлари, рақслари чўлни боғу-бўстонларга айлантираётган бунёдкорларни мамнун этмоқда. Суратда: Ғаллаорол райони «Шифокор» бадиий ҳаваскорлик ансамбли қатнашчиси С. Латипова «Ҳинд қизи» рақсини ижро этяпти.

Ҳ. Тожиев фотоси.

Чет эл Хабарлари

Н. ЧАУШЕСКУНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БУХАРЕСТ. (ТАСС). «Биз Совет Иттифоқининг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисидаги мажбуриятини табриклаймиз. Қўшма Штатлар ва ядро қуролига эга бўлган бошқа мамлакатлар ҳам худди шундай мажбурият қабул қилишлари зарур, деб ҳисоблаймиз»,— деди Румния Компартиясининг Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску сиёсий тарбия ва социалистик маданият ходимларининг бу ерда ўз ишини тамомлаган иккинчи съездида.

Румния давлатининг бошлиғи Ливандаги ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилиши ва бу мамлакатдан Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилиши, Яқин Шарқ проблемаси Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган территориядан олиб чиқиб кетиш, фаластинлик араб халқининг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини тузишга бўлган ҳуқуқлари эътироф этилиши асосида тинч йўл билан ҳал қилиниши зарур, деди.

БЕЛЬГИЯЛИКЛАР НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШМОҚДА

БРЮССЕЛЬ. (ТАСС). Бельгиядаги Флоренна шаҳри аҳолисининг кўпчилиги мазкур районда Американинг янги ядро ракеталари жойлаштирилишига қарши норозилик билдирмоқда. Бу ерда ўтказилган референдум давомида унинг қатнашчиларидан 75 проценти ҳукуматнинг Фроленна яқинида 48 та қанотли ракета учун старт майдонини барпо этиш тўғрисидаги планларига салбий муносабатда эканлигини билдирди.

Референдум натижалари бельгияликлар НАТО ва АҚШнинг милитаристик сиёсати ҳатарли эканлигини тобора кўпроқ тушунаётганлигидан далолат беради. НАТО билан АҚШ «Совет хавфи» деган афсонага қаршилик кўрсатиш баҳонаси билан бир қанча Ғарбий Европа мамлакатларига, шу жумладан Бельгияга янги ракета ядро системаларини тиқиштиришга уринмоқдалар.

ЛИВАН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАЪВАТИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан республикасининг президенти Илёс Саркис барча қитъалардаги Ливанга дўст бўлган мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига мурожаат қилиб, уларни Ғарбий Байрутнинг вайрон бўлиб кетишига йўл қўймаслик учун шошилинч чоралар кўришга чақирди. Исроил интервенциячи кучлари Фаластин қаршилик ҳаракатини ва Ливан миллий ватанпарвар кучларини бутунлай қириб ташлаш мақсадида мамлакатнинг асосий шаҳрига ҳужум қилиш реал хавфи туғилганидан кейин Ливан президенти ана шундай мурожаат қабул қилди.

МАБЛАҒ ТЎПЛАНМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). Франциянинг энг катта касаба союз бирлашмаси — умуммеҳнат конфедерацияси Исроилнинг ваҳшиёна агрессиясидан зарар кўрган Фаластин ва Ливан аҳолисига ёрдам бериш учун маблағ тўплаш кампанияси бошланганлигини эълон қилди. Умуммеҳнат конфедерациясининг раҳбарлари барча касаба союзларига мурожаат қилиб, Ливан ва Фаластин халқлари билан бирдамлик ҳаракатида фаол иштирок этишга, Исроил оккупациячи армиясини Ливандан дарҳол чиқариб юборилишига эришишга чақирди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори
Н. НАСИМОВ.

«Жиззах ҳақиқати» газетасининг редактори
О. Ж. ЖАВЛОНОВ.

Телевидение

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. 12.05 — Доғистон АССР бадиий коллективларининг концерти. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Беш йиллик ҳар биримизнинг ишимиз. Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. Биргалашиб ҳал қилсак. (Ленинград). Беш кунлик топшириқ тўрт кунда. (Тошкент). Дала йўли. (Новосибирск). 16.30 — Горничилар қаердасиз? 17.15— Сенинг ленинча кутубхонанг. В. И. Ленин. «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари». 17.55 — Кувноқ нотачалар. 18.10 — Ҳамкорлик йўллари. Ҳужжатли фильм премьераси. 18.40 — П. И. Чайковский номли VII халқаро конкурс кундалиги. 19.20 — Дунё воқеалари. 19.35 — Жанговар дўстлик қанотларида. Нормандия — Неман авиаполки ветеранларининг СССРда бўлиши тўғрисида. 19.55 — Футбол бўйича жаҳон чемпионатида. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Союзлар уйининг Колонна залида композитор Л. Афанасьевнинг авторлик кечаси.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Энг асосий тезлик. Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — «Ишонч». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 10.40 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.10 — Немис тили. 11.40 — Мақтанчоқ чумчуқ. Мультфильм. 11.50 — Болалар учун фильм. Полк ўғли. 2-серия. 12.55 — Драматургия ва театр. «Классикани ўрганиб». 13.40 — Озарбайжон ССР Давлат халқ рақс ансамблининг концерти. 14.10 — П. Мериме ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 14.55 — П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурсда. 16.00 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.05 — Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 19.20 — Қаҳрамон комсомол ҳақидаги қўшиқлар мавзуида ёзилган фантазия. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг эстрада симфоник оркестри ижро этади. 19.30 — Озиқ-овқат программаси умумхалқ иши. 20.30 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Инсон, Ер, Коинот. 21.30 — Время. 22.05 — «Сергеев Сергеевни кидиради». Телевизион бадиий фильм.

УзТВ-I. 18.10 — Кўрсатувлар программаси. 18.15 — Болалар учун фильм. Димкаининг хўрози. 18.30 — Кувноқ пионер ёзи. 19.00 — Космонавт Владимир Жонибеков. Ҳужжатли фильм. (Ўзбектелефильм). 19.30 — Ахборот. 19.45 — И. Акберов. «Абу Али ибн Сино». Поэма. Саифи Жалил. «Самарқанднома» симфония. Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри ижро этади. 20.30 — Ахборот. 20,50 — Ғўза парваришига аъло сифат. 21.05 — «Айкулаш». Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 —У. Умарбеков, «Шошма қуёш». Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.15 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 18.20 — Кўрсатувлар программаси. 18.25 — Қизча билан бола дўстлашмаган эди. Болалар учун телеспектакль. 19.10 — Саломатлик посбонлари. 19.40 — Реклама. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Абитуриентлар учун, Она тили. 20.50 — Денгиз пиёдаси. Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — МТ-II

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/VII да Ишонмасанг, ўламан, 2/VII да Хотинимнинг эри, 3/VII да Ёшликда берган кўнгил.

Р. 06344. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1634.